Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

● № 200 (20. 467) ● 1989 йил 31 август, пайшанба ● Баҳоси 3 тийин.

ЧОРВАДОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Иштихон районидаги «Қўшработ» совхози чорвадорлари қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар районда биринчи бўлиб давлатга сут сотиш ярим йиллик планларини ортиғи билан уддалашди. Қабул пунктларига пландаги 48 тонна ўрнига 48,2 тонна серқаймоқ сут етказиб берилди.

Райондаги Навоий номли, Ильич номли, Энгельс номли колхозларнинг паррандабоқарлари эса давлатга тухум сотиш 6 ойлик планларини муддатидан анча олдин бажаришга муваффақ бўлдилар.

Ў. САИДОВ.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ҲАҚИДА

1. Умумий қоидалар

1-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари сайловининг асослари

Ўзбекистон ССР маҳаллий Советлари — область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка ва қишлоқ Советлари депутатлари сайлови бир мандатли сайлов округлари бўйича умумий, тенг ва тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш ва сайловчиларнинг ўз истакларини эркин билдиришлари йўли билан ўтказилади.

2-модда. Умумий сайлов ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР маҳаллий Советларига халқ депутатларини сайлаш умумийдир: Ўзбекистон ССРнинг 18 ёшга тўлган гражданлари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон ССР гражданларининг сайлов ҳуқуқларини уларнинг келиб чиқиши, социал ва мулкий мавқеи. ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, муайян жойда яшаб турган вақти, машғулотининг тури ва характерига қараб, бирон-бир даражада бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган руҳий касал гражданлар, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган, шунингдек суд қарори билан мажбурий даволаш жойларига юборилган шахслар сайловда қатнашмайдилар.

3-модда. Тенг сайлов ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига депутатларни сайлаш тенгдир: сайловчи бир овозга эгадир; сайловчилар ҳамда депутатликка номзодлар сайловда тенг асосларда иштирок этадилар.

Хотин-қизлар ва эркаклар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Ҳарбий хизматчилар барча гражданлар билан баробар сайлов ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

4-модда. Тўппа-тўғри сайлов ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатлари сайлови тўппа-тўғридир: халқ депутатлари гражданлар томонидан бевосита сайланади.

5-модда. Яширин овоз бериш

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловда овоз бериш яширииндир: овоз берувчиларнинг ўз истакларини билдиришини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

6-модда. Бошқа иттифоқдош республикалар гражданларининг сайлов ҳуқуқи

Бошқа иттифоқдош республикаларнинг гражданлари Ўзбекистон ССР территориясида Ўзбекистон ССР гражданлари билан тенг сайлов ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

7-модда. Сайлов комиссияларининг сайловни ўтказиши

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказишни меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилар ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги, истиқомат жойларидаги сайловчилар ва ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар йиғилишларининг ҳамда аҳолининг ташаббускор жамоат органлари вакилларидан тузиладиган сайлов комиссиялари таъминлайди.

8-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловни тайёрлаш ва ўтказишда ошкоралик

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловни сайлов комиссиялари, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари очиқ ҳамда ошкора тайёрлайдилар ва ўтказадилар.

Сайлов комиссиялари ўз ишлари тўғрисида, сайлов округлари, сайлов участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг состави, жойлашган ери ва иш вақти ҳамда сайловчиларнинг рўйхатлари тўғрисида гражданларни хабардор қиладилар. Сайлов комиссиялари агар округ сайловчилари вакилларининг конференцияси ўтказилган бўлса, ана шу конференция якунларини, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш маълумотларини, рўйхатга олинган номзодлар тўғрисидаги биографик маълумотларни, ҳар бир номзод бўйича овоз бериш натижаларини ва сайлов якунларини гражданларга маълум қиладилар.

Сайлов комиссияларининг мажлисларида, шу жумладан депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш пайтида, округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ҳамда сайловнинг умумий якунларини чиқариш чоғида меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилар ва хизматчилар коллективларининг ўқувчилар ва студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, истиқомат жойларидаги сайловчилар, ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар йиғилишларининг, аҳолининг ижтимоий ташаббускор органларининг вакиллари, ишончли вакиллар, шунингдек матбуот, телевидение, радио вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ушбу вакилларнинг ваколатлари тегишли ҳужжат билан ёки меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар ва студентлар билан биргаликдаги, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги, ҳарбий хизматчилар йиғилишининг, аҳоли ташаббускор жамоат органининг қарори билан тасдиқланган бўлиши керак. Уларнинг сайлов куни овоз бериш хоналарида ёки сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш ниятлари ҳақида тегишли сайлов комиссияларига олдиндан хабар бериб қўйилиши керак.

Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари сайловига тайёргарлик қандай бораётганлигини ва ўтишини сайлов округи аҳолиси сўзлашадиган тилларда ёритадилар. Сайлов комиссиялари, давлат ва жамоат органлари, меҳнат коллективлари уларга сайловни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ маълумотларни берадилар.

9-модда. Гражданлар, меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловни тайёрлаш ва ўтказишда қатнашиши

Ўзбекистон ССР гражданлари Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловни тайёрлаш ва ўтказишда меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, аҳолининг ташаббускор жамоат органлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар ва студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари, сайлов округи вакилларининг конференциялари орқали ҳам, бевосита ҳам қатнашадилар.

Меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловни тайёрлаш ва ўтказишда сайлов комиссияларидаги ўз вакиллари орқали ҳам, бевосита ҳам қатнашадилар.

10-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи

(Давоми иккинчи бетда).

ТЕРИМ ЯҚИН, МАВСУМГА ШАЙМИСИЗ?

Мезон — ҳосилга ҳосил қўшиш, унинг тақдирини ҳал қилувчи палла. Бу пайтга келиб деҳқон меҳнати ўз натижаларини кўрсата бошлайди: кўсаклар тўлишиб, пахта очилади. Шу боис бу даврда парваришни бўшаштирмаслик, сафарбарликни сусайтирмаслик зарур. Албатта бу ҳар бир асл деҳқонга маълум гаплар. Лекин бунга ҳамма жойда ҳам бирдек амал қилинавермайди. Хусусан шундай ҳолга Шовот райони далаларини айланганда гувоҳ бўлдик.

ХОТИРЖАМЛИК ПАНД БЕРАДИ

ШОВОТ РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ КЕЙИНГИ ПАЙТДА ЎЗ ИШЛАРИНИ АНЧА БЎШАШТИРИБ ЮБОРДИЛАР

БРИГАДИР КИМНИ АЛДАДИ?

Чкалов номли колхоз партия ташкилоти секретари Каримбой Эназаров билан хўжалик даласини айлангани чиқдик. Кўп юрмай 13-бригада бошлиғи Қўчқор Матчонов билан йўлда учрашдик.

— Ғўза парвариши қандай боряпти?

— Яхши. Бригадамизда 31 оилавий пудратчи бор. Улар кўнгилдагидек меҳнат қилишяпти. Парвариш бир кун ҳам бўшашгани йўқ. Одамларимиз далада.

Матчоновнинг гапларини амалда кўришга аҳд қилдик. У мотоциклга ўтириб йўл бошлади. У пайкалдан бунисига, бунисидан наригисига ўтдик. Ниҳоят бригада далаларининг чегарасига ҳам етиб келдик. Лекин на бир сувчига, на бир колхозчига кўзимиз тушди. Одамлар кўринмас эди. Сабабини сўрадик.

— Ростини айтганда, — деди у, — деҳқонлар дам олишяпти. Тез орада терим бошланади. Унгача кимдир рўзғор ишини битиряпти, кимдир тўй қиляпти. Бу айни кезда анъанага айланган пайт. Кўриб турибсизлар, пахтамиз яхши.

Ҳақиқатан бригада пайкалларидаги ғўзаларнинг ҳосил чўғи ёмон эмас. Бироқ бу парваришни сусайтириб юборишга, меҳнат интизомига риоя қилмасликка асос бўла олмайди. Бригадир аввало аҳволни бўяб кўрсатиш учун бизни алдашга ҳаракат қилди. Нияти амалга ошмагач қизарди. Аслида у бизни эмас, балки ўзларини алдаётган эди.

Икки кун мобайнида Шовот районининг бир қатор хўжаликларида бўлдик. Айниқса, Киров номли, «Москва», «Ленинград» колхозларида сафарбарлик суст, меҳнат интизоми анча бўшаштириб юборилган.

ОҚ ҚАНОТЛИ КАПАЛАК ХАВФИ

«Москва» колхозининг раиси С. Нуржонов хўжалик теплицаси ҳақида гапиришни хуш кўради. «Бу муҳим ишга фалон миллион сўм ажратганмиз». «Фарзандларимиз унинг сархил меваларидан баҳраманд бўляпти», «Теплицамиз саҳнини йил сайин кенгайтираверамиз» ва ҳоказо.

Яқинда хўжаликка масъул ўртоқлар ташриф буюришди. Ўрганган кўнгил қурсин экан, раис колхознинг аҳволи хусусида сўзлаётиб, яна гап орасига теплица хўжалигига берилаётган катта эътиборни қистириб ўтишдан ўзини тиёлмади. Гап шундаки, раиснинг кўнглини хуш қилувчи бу маскан, кўп кишиларнинг дилини хуфтон этаяпти. Минг машаққат билан етиштирилган ҳосилга хавф солмоқда.

Маълумки, оқ қанотли капалак сабзавот ва полиз экинларига ўч бўлади. Колхоз теплицасида ҳам шу каби неъматлар етиштирилади. Соҳибкорлар июнь ойига келиб ҳосилни йиғиштириб олишди. Бироқ теплицада оқ қанотли капалак — еб-тўймас зараркунанда ин қўйганига, улар болалаб ётганига эътибор қилишмади. Ойнаванд деразалар кўтарилиб, экинларнинг поялари ташқарига чиқарилди. Эркинликка чиққан кушандалар ўзларини чор атрофдаги далаларга урди. Унинг ҳар биттаси 1200 тагача уруғ қўйишини ҳисобга олсак, капалаклар қанчалик тез кўпайишини англаш қийин эмас. Шундай ҳам бўлди. Улар Шовот шаҳри, унинг атрофида жойлашган қишлоқлардаги аҳоли экинларининг кўп қисмини еб битирди. Кейин пахтага ўтди.

Август ойига келибгина аҳвол маълум бўлди. Ҳозир бу кушанда туфайли пахтакорлар минг гектардан ортиқ ҳосилнинг анча қисмидан айрилишди. Аҳолиники ҳам ундан қолишмайди. Хуллас, юз минглаб сўмлик зарар кўрилди. Бунинг олдини олиш мумкинмиди? Албатта! Теплица ўз вақтида дориланиб, зараркунандаларнинг кўпайишига йўл қўймаслик керак эди. Бироқ бунга риоя қилинмади. Ҳозир хўжалик кўрган зарар 500 минг сўмдан ошиб турибди. Ҳотиржамликнинг ҳам аҳир чеки бордир?

УЙҚУДАН УЙҒОТМАГИЛ...

«Ленинград» колхозининг трактор ремонти устахонасига тушлик тугагандан сўнг етиб келдик. Дам олиш хонаси дарвоза ёнига жойлашган экан. Остонадан ҳатлаб киришимиз билан хуррак овозларидан чўчиб тушдик. Ёстиқ ва кўрпачаларининг ёғи чиқиб кетган караватларда уч механизатор донг қотиб ухлаб ётишарди. Ҳа, механизаторлар меҳнати оғир, созлаш ишларини дўндиришиб, энди ором олишаётган бўлишса керак, деб ўйладик.

Хўжаликда 20 та пахта териш машинаси бор. Бу «пўлат қуш»лар тез орада деҳқонга қанот бўлади. Қанот қайрилмаслиги учун ҳозирдан улар йиғим-терим ишларига соз бўлиб туриши керак. Лекин биз бу ерда бундай ҳолни кўрмадик. Кўпчилик машиналарнинг аппарати тузатилгану мотори қўйилмаган ёки аксинча. Бошқа бирининг кабинаси, аккумулятори йўқ. Айримларига умуман қўл урилмаган. Хуллас, биронта машина теримга тайёр эмас.

— Районимизда шу пайтгача терим агрегатларининг қарийб 90 фоизи тўла тайёрлаб қўйилди, — дейди РАПО инженери Р. Сафаров.

Қоғозда шундайдир. Амалда аҳвол бўлакча. Биз РАПО инженери билан районнинг бир қатор хўжаликлари устахоналарида бўлдик. Уларнинг биронтасида ҳам мукаммал созланган машинани кўрмадик. Умуман олганда районнинг бошқа хўжаликларида ҳам бу борадаги тайёргарлик ишлари атиги 50—60 фоизни ташкил қилади, холос.

Ишда хотиржамликка берилиш — охир оқибатда панд бериши, кўп қийинчиликлар билан етиштирилган ҳосилга путур етиши, бу эса юз минглаб сўмлик зарар келтириши мумкин. Шовотлик пахтакорлар буни яхши билишади. Ўйлаймизки, улар йўл қўйилган бўшашувчанликка барҳам бериб, ғўза парвариши ва терим агрегатларини созлаш ишларини рисоладагидек ташкил этадилар, йиғим-терим мавсумига пухта тайёргарлик билан киришадилар.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БУ—ХЎЖАСИЗЛИК!

Ҳозир республикамиз далаларида зиммага олинган план ва социалистик мажбуриятларни бекаму кўст бажарилишини таъминлаш учун қизғин кураш кетмоқда.

Маълумки, бу йил об-ҳаво ноқулай келганлиги туфайли кўплаб пайкалларда ғўза бироз кечки бўлиб ўсмоқда. Демак, ҳосил ҳам кечроқ етилиши мумкин.

Шунинг учун ҳам йиғим-теримга пухта ҳозирлик кўриш, мавжуд машина ва механизмларни ўз вақтида ишга шайлаб қўйиш, шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаси ҳисобланади.

Лекин айрим ерларда вазиятга етарли баҳо берилмаётир. Ҳали вақт бор, деган баҳона билан ремонт ишларига эътибор қилинмаяпти. Биз яқинда Арнасой районидаги Рокосcовский номли совхознинг пахта тайёрлаш пунктида бўлганимизда шундай кайфиятнинг гувоҳи бўлдик.

Агар пункт дарвозаси пештоқига ёзиб қўйилган ёзув бўлмаса, у худди эгаси кўчиб кетган харобани эслатади. Пахта пункти олди бир қарич тупроқ. Яқин орада бу масканга ҳеч ким қадам босмагандек кўринади. Ёнув двигатели йўқ пахта юклаш трактори, бунтга пахта кўтарадиган кранлар, қўйингки, бу ердаги техника воситалари ўтган йили қандай келтириб ташланган бўлса, ҳозир ҳам шундайлигича занг босиб ётибди. Ҳатто ўтган йили хўжасизликдан ёниб кетган пахта бунти қолдиқларигача тозаланмаган.

Жамоатчи мухбир Ш. Иброҳимов олган суратларда хўжасизларча ташлаб қўйилган техника воситалари.

● Бирлигимизни қадрлайлик!

ТАСАВВУР ҚИЛОЛМАЙМАН

Биз, ўзбеклар Болтиқбўйи республикалари халқларининг эзгу ишларини қадрлаймиз. Мен ҳар куни «Болтиқбўйи» билан ишга бораётиб ва уйга қайтаётиб икки марта учрашаман. Шаҳримизнинг Чилонзор массивида бутун бошли бир маҳалла борки, у «Болтиқбўйи» деб аталади. 25-кварталдаги бу кўп қаватли уйларни дўстлигимиз рамзи сифатида латишлар, литваликлар, эстонлар қуришган.

1966 йилги Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатиш учун курашда Болтиқбўйи республикалари вакиллари мардлик кўрсатдилар. Улар бунёд этган уй-жойлар дўстлигимизга бир ҳайкал бўлиб қад ростлаб турибди. Бир ишчи сифатида Болтиқбўйи республикалари халқларининг яна бир ибратини эъзозлайман. Улар мамлакатда биринчи бўлиб, ҳақиқатан ҳам мустақил хўжалик юритиш — хўжалик ҳисобига ўтиш имконини олишди.

Бу ўлкада хўжалик ҳисоби, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ҳаракати авж олиб бораётганидан қувониб турганимда, КПСС Марказий Комитетининг Совет Болтиқбўйи республикаларидаги аҳвол ҳақидаги Баёнотини ўқиб қолдим. Наҳотки, Болтиқбўйи республикаларидаги миллатчи саркорлар ўлкани мамлакатдан ажратиб олишни ўзларига эп кўряптилар? Улар оддий халқни қандай ўпқонга тортаётганларини ақл-идрок билан мулоҳаза қилмаётган кўринадилар. Башарти, калта ўйловчи ўша саркорлар ўз мақсадларига эришгудек бўлсалар, бунинг оқибатлари халқлар учун фалокатли бўлур эди

Мен Болтиқбўйи республикалари дейилганда бунақа кайфиятдаги кишиларни тасаввур қилолмайман. Шунинг учун Баёнотдаги: «КПСС Марказий Комитети ўз халқи ва улуғ мамлакатимиздаги барча халқларнинг бахт-саодати учун курашда шонли инқилобий байналмилалчи анъаналарга эга бўлган Латвия, Эстония, Литванинг ишчилар синфи, меҳнаткашлари бу гал ҳам ўзларининг салмоқли сўзларини айтадилар, янги революцияни, қайта қуришни ҳимоя қиладилар, деб умид қилади» деган даъватни батамом қувватлайман.

Ўзбеклар — дўстликдан барака топган халқ. Мен ҳам шу халқ фарзанди сифатида мамлакат халқлари бир бутунлиги тарафдориман. Совет халқларининг мустаҳкам дўстлиги — экономика тараққиёти, турмуш фаровонлиги, моддий ва хўжалик алоқалари ривожланишининг гаровидир.

Абдурасул АБДУСАМАТОВ,
Тошкент шаҳридаги 5-автомобиль парки ишчиси.

АНЪАНАГА САДОҚАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Октябрь инқилоби бизга янгича ҳаёт тарзи билан бирга барча миллат ва элат вакилларининг бир тану бир жон бўлиб яшашлари имконини ҳам бердики, бу бепоён мамлакатимизнинг бутун қудрати, шуҳрати ва бой имкониятини ўзига мужассам этади. Совет Федерацияси социалистик шароитда халқлар дўстлиги ва ҳамкорлигининг янги қирраларини очиб берди. Инсоният тарихида биринчи марта қардош республикалар Иттифоқи асосида «Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун!» шиори остида иш олиб борилди.

Мустақил республикалар ўз тақдирини ўзи белгилаши асосида ўзини бутун мамлакат тақдири учун жавобгар эканлигини, бутун мамлакат масъулиятини ўз зиммасига олганлигини совет кишилари жуда чуқур тушунадилар.

КПСС Марказий Комитетининг совет Болтиқбўйи республикаларидаги аҳвол тўғрисидаги Баёнотини ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Унда мазкур республикалардаги сиёсий муҳит чуқур таҳлил қилинган.

Мен миллатидан қатъи назар ҳар бир совет кишиси социалистик қадриятларимизнинг моҳиятини чуқур тушунишини, ана шундай қадриятларнинг энг нодир неъмати — дўстлик ва қардошликни янада мустаҳкамлашини истар эдим. Партия Марказий Комитети Баёнотини миллий ва миллатлараро муносабатлар тобора кескинлашаётган бир даврда ўз вақтида эълон қилинган ҳужжат деб биламан. «Кўп миллатли Ватанимиз тақдири учун, совет кишилари тақдири учун фавқулодда масъулият ҳозир бизнинг зиммамизга, яъни коммунистлар зиммасига тушмоқда», дейилади Баёнотда. Мен ҳар бир коммунистни ана шу масъулиятни чуқурроқ ҳис қилишга, ўз бурчини ҳалол бажаришга, халқлар ҳамкорлигини мустаҳкамлашда бел боғлаб хизмат қилишга чақираман.

Э. МЎМИНОВ,
ТошДУ доценти, фалсафа фанлари номзоди.

ИДЕОЛОГИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида Идеология комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Идеология комиссияси ишчи группаларини тузиш юзасидан таклифлар муҳокама қилинди. Бир неча ой муқаддам тузилган икки группа — тиллар ҳамда халқ байрамлари ва маросимларини ривожлантириш группалари фаолияти ниҳоятда самарали бўлиб чиқди. Бу группалар қисқа вақт ичида бир қанча ҳужжатлар ва тавсияларни ишлаб чиқди, уларни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллади, республика жамоатчилиги тушуниб, қўллаб-қувватлади.

Комиссия аъзолари ҳозирги босқичда яна саккизта ишчи группасини тузиш жуда муҳим деган хулосага келдилар. Студентлар ўртасида сиёсий ишларни кучайтириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш, тарихий ва маданий меросни ўрганиш ва сақлаш муаммолари, атеизм муаммолари, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш масалалари юзасидан ишчи группалари тузиш шу жумлага киради. Халқ таълими системасини қайта қуриш ва республика халқ хўжалигини малакали кадрлар билан таъминлаш муаммолари, Ўзбекистонда жамиятшунослик илмий тадқиқотларини қайта қуриш муаммоларини ўрганиш, республиканинг ташқи алоқаларини ривожлантириш масалалари бўйича ҳам ишчи группалари тузилиши зарур. (Ишчи группалари аъзоларининг шахсий состави матбуотда эълон қилинади). Ҳар бир ишчи группасига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология комиссиясининг аъзоси бошчилик қилиши зарур, деб топилди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология комиссиясининг ишчи группалари тўғрисидаги умумий низом тасдиқланди. Унда барча ишчи группалари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Идеология комиссияси ҳузурида ана шу комиссияга ўз вазифаларини бажаришда кўмаклашиш мақсадида тузилаётганлиги таъкидланади. Ишчи группаларининг асосий вазифалари қараб чиқилаётган муаммолар моҳиятини республиканинг ижтимоий-сиёсий турмушида рўй бераётган жараёнлар ҳамда ҳодисалар билан, инқилобий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш юзасидан КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорлари ҳамда кўрсатмалари билан боғлиқ ҳолда батафсил ўрганиш ва таҳлил этишдан иборатдир. Шу асосда ишчи группалари партия комитетларининг раҳбарликнинг сиёсий усулларига ўтиши шароитида идеология ишининг услуби ва мазмунини янгилаш борасидаги таклифларни комиссияга киритадилар.

Ишчи группалари таркибига билимдон партия, совет ходимлари, йирик олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, санъат арбоблари, жамоат ташкилотларининг вакиллари киради. Ҳар бир группа ўз мажлисларида иш планини, ўрганилиши ва таҳлил этилиши лозим бўлган масалалар рўйхатини, шунингдек уларни ҳал этиш тадбирларини муҳокама қилади ва тасдиқлайди. Ишчи группалари ўз таклиф ва тавсияларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Идеология комиссиясига тақдим этади. Идеология комиссияси ана шу таклиф ва тавсияларни Марказий Комитет муҳокамасига тақдим этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Идеология комиссиясининг сиёсий группаларини тузишга ҳам қарор қилинди. Группаларга жуда яхши тайёргарлик кўрган лекторлар ва пропагандистлар, олимлар, адабиёт ва санъат арбоблари киради. Улар республиканинг саноат корхоналари, колхоз ва совхозларида доимий равишда тарғибот ва тушунтириш ишларини олиб борадилар. Мажлисда идеология иши соҳасидаги бошқа бир қанча масалалар ҳам муҳокама қилинди.

(ЎзТАГ).

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларининг область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари, шу жумладан уларнинг бошланғич ташкилотлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари, посёлка ва қишлоқ Советларига сайлов пайтида эса корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг цехлари, бўлимлари, участкалари, бригадалари ва бошқа бўлинмаларининг коллективлари аҳолининг ташаббускор жамоат органлари эгадирлар.

11-модда. Сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатларига наказлари

Сайловчилар ўз депутатларига наказлар берадилар.

Наказларни бериш, умумлаштириш, қараб чиқиш ва бажаришни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон ССР Қонуни билан белгиланади.

12-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Совети депутати статусининг мансаб мавқеи билан номувофиқлиги

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари составига кирувчи шахслар, ижроком раисидан ташқари, ижроия комитетлари бўлим ва бошқармаларининг раҳбарлари, раҳбарларнинг ўринбосарлари, район (шаҳар) халқ судларининг раислари ва аъзолари, областнинг бош давлат арбитри ва давлат арбитрлари ўзлари тайинланадиган ёки сайланадиган Советда бир вақтнинг ўзида депутат бўла олмайдилар.

13-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов билан боғлиқ бўлган харажатлар. Сайловни моддий жиҳатдан таъминлаш

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатлар давлат ҳисобидан амалга оширилади. Сайлов кампаниясини бошқа манбалардан маблағ билан таъминлаш тақиқланади.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар давлат ва жамоат органлари сайлов комиссиялари ихтиёрига сайловни тайёрлаш ва ўтказиш учун зарур бўлган бинолар ва жиҳозларни берадилар.

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодлар ва сайловчилар сайловни тайёрлаш ва ўтказиш учун харажат қилмайдилар.

14-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик

Зўрлик ишлатиш, алдаш, дўқ қилиш ёки бошқача йўл билан Ўзбекистон ССР гражданининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатини сайлаш ва депутати бўлиб сайланиш, сайловолди агитациясини олиб бориш ҳуқуқини эркин амалга оширишига тўсқинлик қилувчи шахслар, шунингдек сайлов ҳужжатларини сохталаштиришган, овозларни атайлаб нотўғри ҳисоблаган, яширин овоз беришни бузган ёки ушбу Қонунни бошқача тарзда бузган сайлов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгилаб қўйилган тарзда жавобгар бўладилар. Депутатликка номзоднинг шаънини ва қадр-қимматини ерга урадиган ёлғон маълумотларни матбуотда эълон қилган ёки бошқача усул билан тарқатган, сайлов комиссияларининг аъзоларига нисбатан ҳақоратли муносабатда бўлган шахслар ҳам жавобгарликка тортилади.

II. Сайловни тайинлаш ва сайлов округларини тузиш тартиби

15-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловни тайинлаш

Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг барча маҳаллий Советларига депутатлар сайлови бир вақтда ўтказилади ва Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатларининг ваколат муддати тугашидан камида тўрт ой олдин тайинланади.

Сайлов куни тўғрисидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

16-модда. Сайлов округларини тузиш

Ўзбекистон ССР маҳаллий Советлари халқ депутатларини сайлаш учун қуйидаги сайлов округлари тузилади:

халқ депутатлари область ва Тошкент шаҳар советларига — 150 тадан 300 тагача сайлов округи;

халқ депутатлари район Советига — 75 тадан 120 тагача сайлов округи;

областга бўйсунувчи шаҳарлар халқ депутатлари шаҳар Советига — 75 тадан 120 тагача сайлов округи;

районга бўйсунувчи шаҳарлар халқ депутатлари шаҳар Советига — 35 тадан 75 тагача сайлов округи;

халқ депутатлари шаҳардаги район Советига — 75 тадан 120 тагача сайлов округи;

халқ депутатлари посёлка ва қишлоқ Советига 30 тадан 70 тагача сайлов округи.

Ушбу Қонунда белгиланган нормалар доирасида халқ депутатлари ҳар бир область ва Тошкент шаҳар Советлари халқ депутатларини сайлаш учун сайлов округлари сони Ўзбекистон ССР Олий Совети ёки унинг Президиуми томонидан, халқ депутатлари ҳар бир район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка ва қишлоқ Советига халқ депутатларини сайлаш учун эса халқ депутатлари юқори Совети ёки унинг президиуми томонидан сайловчилар сонига, территорияга ёки бошқа маҳаллий шароитларга қараб белгиланади.

Сайлов округлари тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка ва қишлоқ сайлов комиссиялари томонидан халқ депутатлари тегишли Совет ёки унинг Президиуми тақдимига мувофиқ қоида тарикасида муайян халқ депутатлари совети бирлаштириб турган барча территорияда сайловчилар сони тенг қилиб тузилади. Сайлов округларининг чегараларини белгилашда маъмурий — территориал бўлиниш ва бошқа хусусиятлар ҳисобга олинади.

Ҳар бир сайлов округидан маҳаллий Советнинг битта халқ депутати сайланади.

Сайлов округларининг чегаралари ва округ сайлов комиссиялари ўрнашган жойлар кўрсатилган сайлов округларининг рўйхати сайлов тайинлангандан кейин кечи билан ўнинчи куни тегишли сайлов комиссияси томонидан эълон қилинади.

III. Сайлов участкалари

17-модда. Сайлов участкаларини тузиш

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига депутатлар сайлашда овоз беришни ўтказиш ва овозларни ҳисоблаб чиқиш учун районлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги районларнинг территорияси сайлов участкаларига бўлинади. Сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади.

Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган районларда гражданлар турган жойларда сайлов участкалари тузилиши мумкин.

18-модда. Сайлов участкаларини тузиш тартиби ва нормаси

Сайлов участкалари халқ депутатлари район, шаҳар (районларга бўйсунадиган шаҳарлардан ташқари), шаҳарлардаги район Советлари томонидан ёки уларнинг президиумлари томонидан тузилади.

Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари халқ депутатлари маҳаллий Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан қисмларнинг ёхуд ҳарбий қўшилмаларнинг командирлари тавсиясига биноан тузилади.

Сайлов участкалари сайловдан камида икки ой аввал тузилади. Ҳарбий қисмларда, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган районларда сайлов участкаларида шу муддатда тузилади, алоҳида ҳолатларда эса сайловдан камида 5 кун аввал тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тарикасида сайловчилар сони камида 20 ва кўпи билан 3 мингдан иборат қилиб тузилади.

Тегишли халқ депутатлари маҳаллий совети ижроия комитети ҳар бир сайлов участкасига овоз беришни ташкил этиш учун бино ажратади.

Тегишли халқ депутатлари маҳаллий Совети ёки унинг президиуми ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари ҳамда сайлов комиссияси турган жой ва овоз бериладиган бино ҳақида сайловчиларни хабардор қилади.

IV. Сайлов комиссиялари

19-модда. Сайлов комиссиялари системаси

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайлов ўтказиш учун қуйидаги сайлов комиссиялари тузилади.

Халқ депутатлари область Советига сайлов ўтказувчи область сайлов комиссияси;

халқ депутатлари район Советига сайлов ўтказувчи район сайлов комиссияси;

халқ депутатлари шаҳар Советига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси;

халқ депутатлари шаҳардаги район Советига сайлов ўтказувчи шаҳардаги район сайлов комиссияси;

халқ депутатлари посёлка Советига сайлов ўтказувчи посёлка сайлов комиссияси;

халқ депутатлари қишлоқ Советига сайлов ўтказувчи қишлоқ сайлов комиссияси;

округ сайлов комиссиялари;

участка сайлов комиссиялари.

Халқ депутатлари посёлка ва қишлоқ Советларига сайлов бўйича сайлов округларида округ сайлов комиссиялари тузилмайди. Бундай ҳолларда округ сайлов комиссияларининг вазифаларини ушбу сайлов округлари территорияси қайси сайлов участкаларига кирса, ўша сайлов участкаларининг участка сайлов комиссиялари бажаради.

20-модда. Область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка ва қишлоқ сайлов комиссияларини тузиш

Область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка ва қишлоқ сайлов комиссиялари сайлов тайинлангандан кейин кечи билан ўнинчи куни тегишли халқ депутатлари Совети ёки унинг президиуми томонидан комиссиянинг 7-17 аъзосидан иборат қилиб тузилади.

Область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка ва қишлоқ сайлов комиссияси составига вакиллар меҳнат коллективлари ёки уларнинг кенгашлари, жамоат ташкилотларининг область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари, шу жумладан уларнинг бошланғич ташкилотлари томонидан, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари томонидан, посёлка ва қишлоқ сайлов комиссияларига эса, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг цехлари, бўлимлари, участкалари, бригадалари ва бошқа бўлинмалари аҳолининг ташаббускор жамоат органлари коллективлари томонидан ҳам кўрсатилади. Сайлов комиссиялари составига вакиллар кўрсатувчи меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларини, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишларини, аҳолининг ижтимоий ташаббускор органларини белгилаш учун тегишли халқ депутатлари Советлари ёки уларнинг президиумлари ушбу коллективлар вакилларининг кенгашларини ўтказиши мумкин.

21-модда. Область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка ва қишлоқ сайлов комиссияларининг ваколатлари

Область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка ва қишлоқ сайлов комиссияси тегишли халқ депутатлари Советига депутатлар сайловини ўтказишни ташкил этар экан:

1) область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка ва қишлоқнинг бутун территориясида ушбу қонуннинг бажарилишини назорат қилади ва унинг бир хил қўлланилишини таъминлайди;

2) сайлов комиссияларининг фаолиятини йўналтириб туради;

3) тегишли суръатда халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка ва қишлоқ Советига сайлов бўйича сайлов округларини тузади;

4) пул маблағларини сайлов комиссияларига тақсимлайди, сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт, алоқа билан таъминланишини назорат қилади ва сайловни моддий-техникавий жиҳатдан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

5) Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми белгилаган форма бўйича тегишли халқ депутатлари Советига сайлов юзасидан сайлов бюллетенларининг тайёрланишини ҳамда улар округ сайлов комиссияларига етказиб берилишини таъминлайди;

6) тегишли халқ депутатлари Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг, участка сайлов комиссияларининг, тегишли халқ депутатлари советлари ижроия комитетларининг, бошқа маҳаллий давлат ва жамоат органларининг сайловни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини тинглайди;

7) сайланган депутатларни рўйхатга олади, тегишли халқ депутатлари Советига сайлов якунларини чиқаради, сайлов якунлари тўғрисидаги ахборотни ва сайланган депутатларнинг рўйхатларини матбуотда эълон қилади;

8) депутатларнинг ваколатларини текшириш учун зарур ҳужжатларни тегишли халқ депутатлари Советининг мандат комиссиясига топширади;

9) сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни муҳокама қилади ҳамда улар юзасидан узил-кесил қарорлар чиқаради;

10) ушбу қонунга мувофиқ бошқа ваколатларини амалга оширади.

22-модда. Округ сайлов комиссияларини тузиш

Халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳардаги район Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси ҳар бир сайлов округида сайловдан камида уч ярим ой олдин, 7-13 аъзодан иборат қилиб тузилади.

Округ сайлов комиссияси составига вакиллар меҳнат коллективлари ёки уларнинг кенгашлари, жамоат ташкилотларининг область, район, шаҳар, шаҳардаги район органлари, шу жумладан уларнинг бошланғич ташкилотлари томонидан, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари томонидан кўрсатилади.

Округ сайлов комиссиялари халқ депутатлари тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан тузилади.

23-модда. Округ сайлов комиссиясининг ваколатлари

Округ сайлов комиссияси округда сайловни ўтказишни ташкил этар экан:

1) округ территориясида ушбу қонуннинг ижро этилиши устидан назорат қилади;

2) ўз фаолиятини участка сайлов комиссиялари билан мувофиқлаштириб боради;

3) тегишли халқ депутатлари Советлари ижроия ва бошқарув органларининг, Советга қарашли территорияда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловни тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотини тинглайди;

4) сайловчиларнинг рўйхатлари тузилишини ва улар ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатади;

5) депутатликка номзодлар кўрсатилишини ташкил этади;

6) зарур бўлган тақдирда округ сайловчилари вакилларининг конференциясини чақиради ва ўтказади, конференцияда қатнашиш учун меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари органлари, сайловчилар ҳамда ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчилар йиғилишлари учун вакиллик нормаларини белгилайди;

7) депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олади ва уларга тегишли гувоҳномалар беради;

8) меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда депутатликка номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этади;

9) сайлов округи бўйича сайлов бюллетенининг текстини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланишини ва улар участка сайлов комиссияларига етказиб берилишини таъминлайди;

10) сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлайди ва матбуотда эълон қилади, сайланган депутатга гувоҳнома топширади;

11) такрор овоз беришни ва қайта сайловни, шунингдек ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига сайлов ўтказишни ташкил этади;

12) депутатни чақириб олишни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади;

13) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

14) ушбу қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

24-модда. Участка сайлов комиссияларини тузиш

Участка сайлов комиссияси сайловдан камида 45 кун олдин 5—19 аъзодан иборат қилиб тузилади. Зарур ҳолларда участка сайлов комиссиясининг состави кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

Участка сайлов комиссиялари составига вакиллар меҳнат коллективлари ёки уларнинг кенгашлари томонидан, жамоат ташкилотларининг район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари ёки уларнинг бошланғич ташкилотлари томонидан, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчи ва хизматчилар коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари томонидан, аҳолининг ижтимоий ташаббускор органлари томонидан кўрсатилади.

Участка сайлов комиссиялари халқ депутатлари район, шаҳар (районга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари), шаҳарлардаги район Советлари ёки уларнинг президиумлари томонидан тасдиқланади.

25-модда. Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари

Участка сайлов комиссияси:

1) участкадаги сайловчиларнинг рўйхатларини тузади;

2) сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништиришни амалга оширади, рўйхатдаги нотўғриликлар ҳақида берилган аризаларни қабул қилади ва қараб чиқади ҳамда унга тегишли ўзгартишлар киритиш масалаларини ҳал қилади;

3) сайлов куни ўз истиқомат жойида бўлиш ҳамда овоз беришда қатнашиш имконига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов хусусидаги конвертларни қабул қилиб олади;

4) сайлов куни ва овоз бериладиган жой тўғрисида аҳолини хабардор қилади;

5) овоз бериш учун бинони ва сайлов қутиларини тайёрлашни таъминлайди;

6) сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этади;

7) сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқади;

8) сайловни тайёрлаш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни қараб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

9) ушбу қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

26-модда. Сайлов комиссияларининг ишини ташкил этиш

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари ва комиссия секретари тегишли комиссиянинг биринчи мажлисида сайланади.

Сайлов комиссиясининг мажлислари башарти уларда комиссия составининг камида учдан икки қисми иштирок этса ҳақиқий деб ҳисобланади. Комиссиянинг қарорлари комиссия умумий составининг кўпчилик овози билан очиқ овоз бериш асосида қабул қилинади. Унинг қарорига қўшилмаган комиссия аъзолари ўзларининг алоҳида фикрларини билдиришга ҳақлидирлар, бу фикр ёзма равишда протоколга илова қилинади.

Сайлов комиссияларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари барча давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар бажаришга мажбурдирлар.

Сайлов комиссиясининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан юқори сайлов комиссиясига, ушбу қонунда кўзда тутилган ҳолларда эса судга шикоят қилиш мумкин.

Сайлов комиссияси аъзоларидан бир кишини комиссиянинг қарорига мувофиқ сайловни тайёрлаш ва ўтказиш даврида сайловни ўтказишга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақланиб қолгани ҳолда ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиниши мумкин.

Тегишли халқ депутатлари Совети сайланган депутатларнинг ваколатини тўғри деб топганидан кейин сайлов комиссиялари ўз фаолиятини тўхтатади.

27-модда. Сайлов комиссиялари составига ўзгартиш киритиш тартиби

Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, комиссия секретари ёки аъзоси шахсий аризасига кўра ёхуд унинг номзодини кўрсатган меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари, аҳолининг ижтимоий ташаббускор органи берган тақдимномага кўра, комиссияни тузган орган томонидан комиссиядаги ўз вазифаларидан озод қилиниши мумкин. Сайлов комиссияси составига янги вакил ушбу қонунда белгиланган тартибда кўрсатилади.

28-модда. Сайлов комиссияларининг ваколатларини амалга оширишда уларга кўмаклашиш

Давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар сайлов комиссияларининг ваколатларини амалга оширишда уларга кўмаклашишга, уларнинг иши учун зарур маълумот ва материаллар тақдим этишга мажбурдирлар.

Сайлов комиссияси сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан давлат ва жамоат органларига, корхоналар, муассасаларга, ташкилотларга, мансабдор шахсларга мурожаат этиш ҳуқуқига эгадир; улар эса ўртага қўйилган масалани кўриб чиқиб уч кун муддатдан кечиктирмай сайлов комиссиясига жавоб қайтаришга мажбурдирлар.

V. Сайловчиларнинг рўйхатлари

29-модда. Сайловчиларнинг рўйхати ва уни тузиш тартиби

Сайловчилар рўйхати бир сайлов участкасида участка сайлов комиссияси томонида тузилади ҳамда унинг раиси ва секретари томонидан имзоланади. Рўйхат тузиш ишида қатнашиш учун участка сайлов комиссияси жамоатчилик вакилларини жалб этиши мумкин.

Халқ депутатлари шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка ва қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари сайловчилар ҳисобга олинишини таъминлайдилар ва тегишли территорияда яшайдиган сайловчилар тўғрисида сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш учун зарур бўлган маълумотларни участка сайлов комиссияларига топширадилар.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий-хизматчи сайловчиларнинг, шунингдек ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлар жойлашган районларда яшовчи оила аъзолари ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида яшовчи ҳарбий хизматчилар истиқомат жойларидаги сайловчиларнинг рўйхатларига умумий асосларда киритилади.

Санаториялар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий даволаш муассасаларида тузилган сайлов комиссиялари бўйича сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасаларнинг раҳбарлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади.

Сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатида овоз беришни уюштириш учун қулай бўлган тартибда кўрсатилади.

30-модда. Гражданларни сайловчилар рўйхатига киритиш тартиби

Сайловчилар рўйхатига сайлов кунигача ёки сайлов куни 18 ёшга тўлган, рўйхат тузилган пайтда шу сайлов участкаси территориясида доимий ёки вақтинча яшаб турган Ўзбекистон ССРнинг барча гражданлари, шунингдек бошқа иттифоқдош республикаларнинг гражданлари киритилади.

Сайловчи бошқа сайлов участкаларида сайловчилар рўйхатларига киритилиши мумкин эмас.

31-модда. Гражданларни сайловчилар рўйхатлари билан таништириш ва сайловчилар рўйхатидаги нотўғриликлар ҳақида шикоят қилиш ҳуқуқи

Сайловчиларнинг рўйхатлари сайловдан 15 кун аввал санатория ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий даволаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган районларда тузилган сайлов участкаларида эса сайловдан икки кун олдин ҳамманинг танишиб чиқиши учун тақдим этилади. Участка сайлов комиссияси рўйхат билан қаерда ва қачон танишиш мумкинлигини сайловчиларга хабар қилади.

Гражданларга участка сайлов комиссиясининг биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш ва унинг тўғри тузилганини текшириш имконияти таъминланади.

Ҳар бир гражданга рўйхатга киритилмаганлик, нотўғри киритилганлик ёки рўйхатдан чиқарилганлик хусусида, шунингдек рўйхатда сайловчи тўғрисидаги маълумотларни кўрсатишда ноаниқликка йўл қўйилганлик юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқи берилади. Рўйхатдаги нотўғриликлар тўғрисидаги ариза участка сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади, участка сайлов комиссияси кечи билан икки кунлик муддат ичида, сайлов арафасида ва сайлов кунида эса дарҳол аризани кўриб чиқиб, рўйхатга зарур тузатишлар киритишга ёки аризачига унинг аризаси инобатга олинмаганлиги тўғрисидаги далил-исботли қарорнинг бир нусхасини беришга мажбурдир. Бу қарор устидан район (шаҳар) халқ судига сайловдан камида беш кун олдин шикоят қилиниши мумкин. Район (шаҳар) халқ суди шикоятни уч кунлик муддатда кўриб чиқишга мажбурдир. Район (шаҳар) халқ судининг қарори қатъийдир. Суднинг қарорига мувофиқ, сайловчилар рўйхатига тузатиш участка сайлов комиссияси томонидан дарҳол киритилади.

VI. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш

32-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш сайловдан уч ой олдин бошланади ва сайловга икки ой қолганда тугалланади.

Депутатликка номзодлар корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар меҳнат коллективларининг, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишларида (конференцияларида) кўрсатилади. Халқ депутатлари область ва Тошкент шаҳар Советлари депутатлигига номзодлар камида 100 киши ишлайдиган меҳнат коллективларининг йиғилишларида кўрсатилади. Филиал ёки бошқа бўлинма коллективи ҳам депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадир. Агар йиғилишда меҳнат коллективи аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпроғи, конференцияда эса делегатларнинг камида учдан икки қисми қатнашса мазкур йиғилиш ва конференция қонуний ҳуқуққа эга деб ҳисобланади.

Жамоат ташкилотларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш уларнинг область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район органлари, уларнинг бошланғич ташкилотлари йиғилишлари томонидан амалга оширилади.

Истиқомат жойида сайловчиларнинг депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлари тегишли халқ депутатлари Советларининг ёки уларнинг президиумлари томонидан округ сайлов комиссиялари билан биргаликда чақирилади ёки сайловчиларнинг ташаббуси билан ўтказилади. Йиғилишда тегишли округ территориясида яшайдиган сайловчилар тегишли халқ депутатлари Советлари ёки уларнинг президиумлари область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка ёки қишлоқ сайлов комиссияси билан биргаликда белгиланганидан кам бўлмаган миқдорда сайловчилар ҳозир бўлсалар, йиғилиш ҳақиқий деб ҳисобланади.

Сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги йиғилишини ўтказиш ҳақидаги таклифни халқ депутатлари Совети ёки унинг президиуми округ сайлов комиссияси билан биргаликда уч кун муддат ичида кўриб чиқади. Йиғилиш қайси куни, қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида округ сайловчиларига хабар беради. Таклиф рад этилган тақдирда аҳолининг ижтимоий ташаббускор органига далил-исботли қарорнинг бир нусхаси берилади. Бу қарор устидан район (шаҳар) халқ судига шикоят қилиниши мумкин. Район (шаҳар) халқ суди шикоятни беш кун муддат ичида кўриб чиқишга мажбур. Район (шаҳар) халқ судининг қарори қатъийдир.

Ҳарбий хизматчиларнинг депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлари ҳарбий қисмларнинг қўмондонлиги томонидан чақирилади ва ҳарбий қисм шахсий составининг камида ярми ҳозир бўлган тақдирда ҳақиқий деб ҳисобланади.

Аҳолининг ижтимоий ташаббускор органларидан депутатликка номзодлар уларнинг умумий йиғилишларида ёки улар органларининг йиғилишларида кўрсатилади.

Йиғилишларда исталганча номзодларни муҳокама қилиш учун шароит яратилади. Йиғилишнинг ҳар бир қатнашчиси депутатликка номзодлар тўғрисида таклифлар киритиш, уларни муҳокама қилишда қатнашиш, таклиф этилаётган номзодларни қўллаб-қувватлаш ёки уларнинг номзодини кўрсатмаслик тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқига эгадир. Йиғилиш қатнашчиси ўз номзодини депутатликка номзод тарзида муҳокама қилиш учун тавсия этиши мумкин. Меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилиши, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилиши, аҳолининг ижтимоий ташаббускор органи сайлов округида битта номзод кўрсатади. Депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарор йиғилишда очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овоз бериш тартиби йиғилиш томонидан белгиланади.

(Давоми учинчи бетда).

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАРИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ ҲАҚИДА

(Давоми. Боши биринчи ва иккинчи бетларда).

Овоз беришда қатнашганларнинг ярмидан кўпроғи ёки жамоат ташкилоти тегишли органи умумий составининг кўпчилиги номзодни ёқлаб овоз берган тақдирда у депутатликка номзод қилиб кўрсатилган деб ҳисобланади. Депутатликка номзод кўрсатилганлиги тўғрисида протокол тузилади. Қабул этилган қарор ҳақида депутатликка номзодга икки кун муддатдан кечиктирмай маълум қилинади.

Маҳаллий Советлар депутатлигига номзодликка, қоида тариқасида, тегишли халқ депутатлари Советлари территориясида ишлайдиган ёки яшайдиган гражданлар кўрсатилади.

Ўзбекистон ССР граждани айни бир вақтда халқ депутатлари иккитадан ортиқ Советининг депутати бўлиши мумкин эмас.

33-модда. Округ сайловчилари вакилларининг конференцияси.

Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ округларда округ сайловчилари вакилларининг конференцияси ташкил этилади. Бу конференцияларни округ сайлов комиссиялари чақиради.

Округ сайловчилари вакиллари конференциясининг қатнашчилари меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари органлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги ва ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари, аҳолининг ижтимоий ташаббускор органлари томонидан округ сайлов комиссияси белгилаган нормалар бўйича вакил қилиб юборилади. Бунда халқ депутатлигига номзод кўрсатган ҳар бир меҳнат коллективи, ташкилот сайловчиларнинг истиқомат жойидаги йиғилиши ва аҳолининг жамоат ташаббускор органидан юборилган делегатлар сони сайловчилар сонига мутаносиб бўлиши керак. Сайловчиларнинг вакиллари йиғилишлар ва конференцияларда делегат қилиб кўрсатилиши мумкин.

Округ сайловчилари вакилларининг конференцияси депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун уларни тегишли сайлов комиссиясига тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилади. Бунда округ сайловчилари вакиллари конференциясининг делегатларига мазкур сайлов округидан депутатликка кўрсатилган барча номзодларнинг рўйхати ва улар ҳақидаги асосий маълумотлар барвақт бериб қўйилади.

Конференцияда ҳар бир депутатликка номзоднинг сўзга чиқиб, ўз бўлажак фаолияти программасини баён этишга имконият берилади. Конференциянинг исталган қатнашчиси депутатликка номзодларни муҳокама қилишга ва улар юзасидан ўз таклифларини киритишга ҳақлидир.

Рўйхатга олиш учун исталганча депутатликка номзод тақдим этилади. Қарор очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул этилади. Овоз бериш тартибини конференция белгилайди. Депутатликка конкрет номзодлар бўйича қарорни ёқлаб конференция қатнашчиларининг ярмидан кўпроғи овоз берган тақдирда у қабул этилган деб ҳисобланади. Депутатликка номзодларни муҳокама қилиш натижалари конференциянинг протоколида акс эттирилади.

Конференциянинг қарори устидан округ сайлов комиссиясига ёки тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка ва қишлоқ сайлов комиссиясига уч кун муддат ичида шикоят қилиниши мумкин.

34-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодларни кўрсатган меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари органлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишлари, аҳолининг жамоат ташаббускор органлари тақдимига ва округ сайловчилари вакилларининг конференцияси ўтказилган бўлса, шу конференциянинг тақдимига биноан округ сайлов комиссияси рўйхатга олади. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш сайлов кунидан икки ой олдин бошланади ва сайлов кунига бир ой қолганда тугалланади.

Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳужжатлар: мазкур сайлов округидан депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги йиғилишларнинг протоколлари ва башарти округ сайловчилари вакилларининг конференцияси ўтказилган бўлса, шу конференциянинг протоколи, шунингдек, депутатликка номзодларнинг мазкур сайлов округидан овозга қўйилишга розилик билдириб берган аризалари мавжуд бўлган тақдирда қабул қилинади. Ушбу қонуннинг 12-моддасида санаб кўрсатилган шахслар депутатликка номзод қилиб кўрсатилган вақтда ўз аризаларида улар депутат қилиб сайланганлари тақдирда эгаллаб турган лавозимларини бўшатиш ниятида эканликларини кўрсатадилар ёки ўз номзодларини қайтариб олишларини маълум қиладилар. Депутатликка номзодлар рўйхатга олинганлиги тўғрисида округ сайлов комиссияси протокол тузади, бу протокол депутатликка номзодларнинг аризалари билан бирга халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ Советига сайлов ўтказувчи тегишли сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Тегишли сайлов комиссияси ушбу қонун талабларига риоя этиб кўрсатилган депутатликка номзодларни рўйхатга олади. Рўйхатга олишдан бош тортилган тақдирда тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссиясига уч кун муддатда шикоят қилиниши мумкин. Тегишли сайлов комиссиясининг қарори қатъийдир.

Депутатликка номзод айни бир вақтда битта халқ депутатлари Советига фақат бир сайлов округида овозга қўйилиши мумкин. Депутатликка номзод ўз номзодининг овозга қўйилишига рози эканлигини округ сайлов комиссиясига депутатликка номзодлар кўрсатиш муддати тамом бўлганидан кейин кечи билан уч кунда хабар қилади.

Депутатликка номзод тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссиясида, шунингдек ушбу сайлов округида овоз беришни ташкил этаётган округ ёки участка сайлов комиссиясида бўлиши мумкин эмас. Депутатликка номзод қилиб кўрсатилган ва мазкур комиссиялардан бирида бўлган шахс депутатликка номзод сифатида рўйхатга олинган пайтдан эътиборан комиссиядаги вазифаларидан озод этилган деб ҳисобланади.

Тегишли сайлов комиссияси депутататликка номзодлар рўйхатга олингач, кечи билан тўртинчи куни депутатликка кўрсатилган ҳар бир номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), партиявийлиги, иш жойи ва яшаш жойи кўрсатилган ахборотни эълон қилади.

35-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиш. Номзоднинг ўз номзодини қайтариб олиши

Депутатликка номзод кўрсатган меҳнат коллективи, жамоат ташкилоти органи, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишлари, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмдаги йиғилишлари, аҳолининг жамоат ташаббускор органи сайловдан олдин исталган вақтда ўзининг депутатликка номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бу масала юзасидан қарор депутатликка номзодлар кўрсатиш учун кўзда тутилган тартибда қабул қилинади ва тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Депутатликка номзод сайловдан олдин истаган вақтида тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этиб, ўз номзодини қайтариб олиши мумкин.

36-модда. Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби

Башарти депутатликка номзодларни кўрсатиш ёки уларни рўйхатга олиш муддати тугаганидан кейин депутатликка номзодлар ўрни бўшаб қолса, агар сайлов округида бошқа номзодлар қолмаган бўлса, округ сайлов комиссияси меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларининг ўқувчилар, студентлар билан биргаликдаги йиғилишларига, сайловчиларнинг истиқомат жойларидаги, ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий қисмлардаги йиғилишларига, аҳолининг ижтимоий ташаббускор органларига мурожаат этиб, депутатликка янги номзодлар кўрсатишни таклиф қилади. Депутатликка номзодлар ўрни сайловга 15 кундан камроқ вақт қолганида бўшаб қолган тақдирда тегишли сайлов округидан депутат сайлови умумий сайловдан кейин бир ой муддат ичида ўтказилади.

Бўшаб қолган ўринларга депутатликка номзодлар ушбу қонунда белгиланган тартибда кўрсатилади.

37-модда. Сайлов бюллетени

Бюллетенга сайлов округидан рўйхатга олинган ҳамма депутатликка номзодлар алфавит тартибида киритилиб, унда ҳар бир депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), иш жойи ва яшаш жойи кўрсатилади. Сайлов бюллетенлари сайлов округининг аҳолиси сўзлашадиган тилларда босилади.

VII. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзод фаолиятининг кафолатлари

38-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзоднинг сайловолди программаси

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Совети депутатлигига номзодга ўзининг бўлажак фаолият программаси билан чиқиш ҳуқуқи берилади.

Депутатликка номзоднинг программаси СССР Конституцияси ва Ўзбекистон ССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган давлат ва ижтимоий тузум негизларига қарши бўлмаслиги, урушни тарғиб қилмаслиги, миллий адоватга ҳамда гражданларнинг конституцион ҳуқуқларини камситишга даъват этмаслиги керак.

39-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзоднинг йиғилишларда сўзга чиқиш, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, ахборот олиш ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳарлардаги район, посёлка ва қишлоқ Советларининг депутатлигига номзодлар округ сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган вақтдан бошлаб сайловолди йиғилишлари ва бошқа йиғилишларда, кенгашларда, мажлисларда, матбуотда чиқиш, телевидение, радио орқали сўзлаш учун тенг ҳуқуққа эгадирлар.

Давлат ва жамоат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари, аҳолининг ижтимоий ташаббускор органлари депутатликка номзодларга сайловчилар ва жамоат ташкилотларининг аъзолари билан учрашувларни ташкил этишда, зарур ахборот материалларини олишда ёрдам беришга мажбурдирлар.

40-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзоднинг ишончли вакиллари

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодга уч нафаргача ишончли вакилга эга бўлиш ҳуқуқи берилади, бу вакиллар унга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, унинг депутат қилиб сайланиши учун агитация олиб борадилар, давлат ва жамоат органлари билан, сайловчилар, жамоат ташкилотларининг аъзолари билан муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида унинг манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Депутатликка номзод ишончли вакилларни ўз хоҳиши билан белгилайди ва уларни рўйхатга олиш учун округ сайлов комиссиясига хабар қилади. Сайлов комиссияси депутатликка номзодлар рўйхатга олинганидан кейин ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳномалар беради.

Ишончли вакил тегишли сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

41-модда. Сайловолди агитацияси

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларининг депутатлигига номзодга йиғилишларда ҳам, шунингдек сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда ҳам ўз сайловчилари билан учрашувлар ўтказиш ҳуқуқи берилади. Сайловчиларнинг йиғилишларини сайлов комиссияси халқ депутатлари тегишли совети ёки унинг президиуми билан ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда ташкил этади.

Депутатликка номзод кўрсатган меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқитувчилари ва хизматчилари коллективларига ўқувчилар, студентлар билан биргаликда, истиқомат жойларида сайловчиларга, ҳарбий хизматчиларга, аҳолининг ижтимоий ташаббускор органларига ўзлари кўрсатган номзодларни ёқлаб ҳеч монеликсиз агитация олиб бориш ҳуқуқи берилади. Сайлов комиссиялари уларга йиғилишлар ва митинглар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар, шунингдек сайловолди агитациясини олиб бориш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш имкониятини берадилар.

Ўзбекистон ССР гражданларига, меҳнат коллективларига, жамоат ташкилотларига ва ҳарбий хизматчиларга депутатликка номзодларнинг сиёсий, амалий ва шахсий фазилатларини эркин муҳокама қилиш имконияти, шунингдек йиғилишларда, матбуотда, телевидение ва радио орқали номзодни ёқлаб ёки унга қарши агитация олиб бориш ҳуқуқи гарантияланади.

Йиғилишлар ва учрашувлар қачон ва қаерда ўтказилиши сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Сайлов куни агитация олиб борилишига йўл қўйилмайди.

42-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзодни сайловолди тадбирларида қатнашиш учун ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифаларини бажаришдан озод қилиш

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзод рўйхатга олинганидан кейин сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловолди йиғилишларида, митингларда, телевидение ва радио орқали сўзга чиқиш вақтида ишлаб чиқариш ёки хизмат вазифасини бажаришдан озод қилиниб, унинг ўртача иш ҳақи сайлов ўтказиш учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан сақлаб қолинади.

43-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзоднинг транспортда бепул юриш ҳуқуқи

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин тегишли совет территорияси доирасида пассажир транспортининг ҳамма турларида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқига эга.

44-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзоднинг дахлсизлиги

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлигига номзод тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссиясининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида белгиланадиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас.

VIII. Овоз бериш ва сайлов якунларини чиқариш тартиби

45-модда. Овоз бериш вақти ва жойи

Овоз бериш сайлов куни маҳаллий вақт билан соат 7 дан 20 гача ўтказилади.

Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида 10 кун олдин хабардор қилади.

Ҳарбий қисмларда, узоқ ва бориш қийин бўлган районлардаги гражданлар турган жойларда, шунингдек санаторийлар ва дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа доимий даволаш муассасаларида ташкил этилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси агар рўйхатга киритилган ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлган бўлсалар, истаган вақтида овоз бериш тугалланган, деб эълон қилиши мумкин.

46-модда. Овоз беришни ташкил этиш

Овоз бериш махсус ажратилган биноларда ўтказилади, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенлари бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар улар ёнига келган вақтда албатта яширин овоз бериш учун кабиналар ёки хоналар орқали ўтадиган қилиб жойлаштирилади.

Овоз беришни ташкил этиш, сайловчилар ўз истакларини яширин билдиришларини таъминлаш, биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш учун участка сайлов комиссияси жавобгардир.

Сайлов куни овоз бериш бошланишидан олдин участка сайлов комиссиясининг раиси комиссиянинг барча аъзолари иштирокида сайлов қутиларини текширади, пломбалайди ёки муҳрлайди.

Ҳар бир сайловчи шахсан овоз беради; бошқа кишилар учун овоз беришга йўл қўйилмайди. Сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан сайлов участкаси сайловчиларнинг рўйхати асосида паспорт ёки бошқа шахсий гувоҳнома кўрсатилганида берилади. Сайлов бюллетенлари берилганлиги тўғрисида сайловчилар рўйхатига белги қўйилади.

Сайлов куни истиқомат жойида бўлиш имконига эга бўлмаган сайловчи ўзи истиқомат қиладиган жойдаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақаларини талаб қилиб олиши, депутатликка номзодлар хусусида қарор қабул қилиши ҳамда тўлдирилган сайлов варақаларини конвертга яширин ҳолда участка комиссиясига қолдириши мумкин. Сайловчи сайлов варақасини олганлиги ҳақида сайловчилар рўйхатига имзо чекади. Сайлов варақасининг шаклини округ сайлов комиссияси белгилайди.

Айрим сайловчилар соғлиғи ёмонлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш учун ажратилган бинога кела олмаган ҳолларда участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига кўра комиссия аъзоларига шу сайловчилар турган жойда овоз беришни ташкил этишни топширади.

Бирон бир сабаб билан сайловчилар рўйхатига киритилмай қолган сайловчилар шахсини ва яшаш жойини тасдиқлайдиган ҳужжат асосида сайловчилар илова рўйхатига киритилади.

47-модда. Овоз бериш

Сайлов бюллетенлари овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдирилади. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг бўлиши тақиқланади. Бюллетенларни мустақил тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи кабина ёки хонага ўз хоҳиши билан сайлов комиссиясининг аъзосидан бошқа кишини таклиф қилиш ҳуқуқига эга.

Сайловда сайловчи бюллетендаги ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг фамилияларини ўчиради.

Овоз берувчи тўлдирилган бюллетенни сайлов қутисига ташлайди.

48-модда. Сайлов участкасида овозларни ҳисоблаш

Сайлов участкасида овозлар участка сайлов комиссияси томонидан тегишли халқ депутатлари Советига сайлов ўтказувчи ҳар бир сайлов округи бўйича ва ҳар бир депутатликка номзод бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси овоз бериш тугаганлигини эълон қилганидан кейин комиссиянинг барча аъзолари иштирокида очилади. Овоз бериш тугашидан олдин сайлов қутиларини очиш тақиқланади. Сайлов қутиларини очишдан олдин фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенларини участка сайлов комиссияси ҳисоблаб чиқади ва бекор қилади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг асосий ва қўшимча рўйхатлари бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, шунингдек бюллетенлар ва сайлов варақалари олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди. Сайлов қутиларида бўлган бюллетенлар, шунингдек сайлов варақалари асосида комиссия ҳар бир сайлов округи бўйича (ушбу сайлов участкаси доирасида): овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонини, ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар ва сайлов варақалари сонини аниқлайди. Сайловчилар бюллетенларга ва сайлов варақаларига қўшимча ёзиб қўйган гражданларнинг фамилиялари бўйича овозлар ҳисобланмайди.

Белгиланмаган нусхадаги, бошқа округнинг сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари, шунингдек овоз бериш вақтида биттадан ортиқ номзод қолдирилган бюллетенлар ва варақалар ҳақиқий эмас, деб топилади. Сайлов бюллетенининг ,варақасининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масалани участка сайлов комиссияси овоз бериш йўли билан ҳал қилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва ҳар бир сайлов округи бўйича тузиладиган протоколга ёзиб қўйилади. Протокол комиссия раиси, раис ўринбосари, комиссия секретари ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

49-модда. Сайлов округи бўйича сайлов натижаларини аниқлаш

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг протоколлари асосида округдаги сайлов бюллетенлари ва сайлов варақалари олган сайловчиларнинг умумий сонини, овоз беришда қатнашган сайловчилар сонини; ҳар бир депутатликка номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини ва қарши берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас, деб топилган бюллетенлар ва сайлов варақалари сонини аниқлайди.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозининг ярмидан кўпини олган депутатликка номзод сайланган деб ҳисобланади.

Округ сайлов комиссияси сайлов давомида ёки овозларни санаб чиқиш пайтида ушбу қонунни бузишга йўл қўйилгани учун сайловни ҳақиқий эмас, деб топиши мумкин.

Агар сайловда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг ярмидан камроғи қатнашган бўлса, сайлов бўлмаган, деб ҳисобланади.

Сайлов округи бўйича сайлов натижалари округ сайлов комиссияси мажлисида аниқланади ва протоколга киритиб қўйилади. Протокол комиссия раиси, раис ўринбосари, комиссия секретари ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссиясига юборилади.

IX. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайловининг якунларини чиқариш ва эълон қилиш тартиби

50-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайланган депутатларни рўйхатга олиш. Сайлов якунларини эълон қилиш

Область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссияси ўзига келиб тушган округ сайлов комиссияларининг, 19-моддада кўзда тутилган ҳолларда эса участка сайлов комиссияларининг ҳам протоколлари асосида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари тегишли Советига сайланган депутатларни рўйхатга олади.

Агар сайлов давомида ёки овозларни санаб чиқиш ёхуд сайлов натижаларини аниқлаш чоғида ушбу қонунни бузишга йўл қўйилган бўлса, область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссияси сайловни ҳақиқий эмас, деб топиши ҳамда депутатни рўйхатга олишдан бош тортиши мумкин.

51-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайловининг якунларини эълон қилиш

Халқ депутатлари область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ советига сайловнинг якунлари тўғрисидаги ахборотни ва сайланган депутатларнинг рўйхатини тегишли сайлов комиссияси сайловдан кейин беш кундан кечиктирмай алфавит тартибида депутатнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими (машғулоти), партиявийлиги, иш жойи ва яшаш жойи, уни депутат қилиб сайлаган сайлов округини кўрсатиб, матбуотда эълон қилади.

52-модда. Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Совети депутатининг гувоҳномаси ва кўкракка тақиладиган нишони

Округ сайлов комиссияси тегишли сайлов комиссияси рўйхатга олган депутатлар рўйхати матбуотда эълон қилинганидан кейин, қайта сайлов ўтказилган ёки ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига сайлов ўтказилган ҳолларда эса — сайлов округи бўйича сайлов якунлари тўғрисидаги ахборот матбуотда эълон қилинганидан кейин округдан сайланган депутатга унинг сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади.

Халқ депутатлари Совети депутатнинг ваколатини тасдиқлаганидан кейин унинг депутат қилиб сайланганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси депутатлик гувоҳномаси билан алмаштирилади. Депутатга гувоҳнома билан бирга кўкракка тақиладиган нишон ҳам берилади.

X. Такрорий овоз бериш, қайта сайлов ўтказиш ва бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатларини сайлаш. Янги тузилган маъмурий-территориал бирликларда сайлов ўтказиш

53-модда. Такрорий овоз бериш

Агар сайлов округи бўйича иккитадан ортиқ депутатликка номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса, округ сайлов комиссияси округда энг кўп овоз олган иккита депутатликка номзод бўйича такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. Такрорий овоз бериш сайлов округида икки ҳафтадан кечиктирмай ушбу қонун талабларига риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Такрорий овоз бериш чоғида овоз беришда қатнашган сайловчилар овозини бошқа номзодга қараганда кўпроқ олган депутатликка номзод сайланган ҳисобланади.

54-модда. Қайта сайлов ўтказиш

Қайта сайлов қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

а) агар сайлов округи бўйича кўпи билан иккита депутатликка номзод овозга қўйилган бўлса ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса;

б) агар сайлов округи бўйича сайлов бўлмаган ёки ҳақиқий эмас, деб топилган бўлса;

в) агар такрорий овоз бериш сайланган депутатни аниқлаш имконини бермаган бўлса.

Қайта сайлов тегишли область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссиясининг топшириғига мувофиқ округ сайлов комиссияси томонидан ўтказилади.

Бунда у қайта сайловни янги составдаги округ ва участка сайлов комиссиялари ўтказиши зарурлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш аввалги сайлов участкаларида ва умумий сайловни ўтказиш учун тузилган сайловчилар рўйхати бўйича ўтказилади.

Қайта сайлов умумий сайловдан кейин кечи билан бир ой муддат ичида ўтказилади. Сайлов комиссияларини тузиш, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш ва бошқа тадбирлар ушбу қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сайловда овоз беришда қатнашган сайловчилар овозининг ярмидан кўпини олмаган депутатликка номзод тегишли Советга ушбу ёки бошқа сайлов округларидан такроран депутатликка номзод қилиб кўрсатилиши мумкин эмас.

55-модда. Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон ССР халқ депутатлари маҳаллий Советлари депутатлари сайловини ўтказиш

Тегишли халқ депутатлари Совети айрим халқ депутатларининг ваколатларини ҳақиқий эмас, деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган, бошқа сабабларга кўра, депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилган тақдирда тегишли сайлов округларида депутатлик ўрни бўшаб қолган вақтдан эътиборан икки ой муддат ичида янги сайлов ўтказилади. Сайлов тегишли халқ депутатлари Совети ёки унинг президиуми томонидан сайлов ўтказилишидан камида бир ой олдин белгиланади ва ушбу қонун талабларига риоя қилган ҳолда ташкил қилинади. Бунда округ сайлов комиссияси сайлов белгиланганидан кейин учинчи куни, участка сайлов комиссиялари эса бешинчи куни тузилади. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш сайловдан 15 кун олдин тўхтатилади.

Бўшаб қолган ўринларга депутат сайловини ўтказган вақтда область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссияси тузилмайди.

Сайлов округининг территорияси сайлов участкасининг территориясидан кичик ёки унга тенг бўлган ҳолларда участка сайлов комиссияси тузилмайди. Округ бўйича сайлов бюллетенларини қабул қилиб олиш, овозларни санаш ва сайлов натижаларини аниқлаш тегишли округ сайлов комиссияси зиммасига юклатилади. Сайловчиларнинг рўйхатлари сайлов округи бўйича тузилади. Агар сайловчилар рўйхатига киритилган ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлган бўлсалар, овоз бериш маҳаллий вақт билан 20 дан олдин ҳам тамомланиши мумкин.

Депутатлик ўрни халқ депутатлари Советининг ваколат муддати тугашига ярим йилдан камроқ вақт қолганида бўшаб қолса, янги депутат сайлови ўтказилмайди.

56-модда. Янги ташкил этилган маъмурий-территориал бирликларда халқ депутатлари Советларига сайлов ўтказиш

Янги ташкил этилган маъмурий-территориал бирликларда халқ депутатлари Советларига сайлов янги ташкил этилган область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ составига кирган территорияда депутатлар йўқлиги ёки уларнинг сони етарли эмаслиги туфайли халқ депутатлари Советини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда ўтказилади.

Халқ депутатлари область Советларига сайлов Ўзбекистон ССР Олий Совети ёки унинг Президиуми томонидан, халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ Советига сайлов эса тегишли юқори Совет ёки унинг президиуми томонидан маъмурий-территориал бирлик ташкил этилган кундан бошлаб узоғи билан бир ой муддат ичида белгиланади ва ушбу қонунига мувофиқ ўтказилади.

Сайлов округларини тузиш, область, район, шаҳар, шаҳардаги район, посёлка, қишлоқ сайлов комиссияси, шунингдек округ сайлов комиссиялари составини тасдиқлаш сайлов ўтказишни тайинлаган Ўзбекистон ССР Олий Совети ёки унинг Президиуми, ёхуд тегишли халқ депутатлари Советлари ёки унинг Президиуми томонидан амалга оширилади.

Сайловчилар рўйхатига киритилган ҳамма сайловчилар овоз бериб бўлган бўлсалар, овоз бериш маҳаллий вақт билан соат 20 дан олдин ҳам тамомланиши мумкин.

Ахборот

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ ХАБАРЛАРИ

МУДДАТИДАН ОЛДИН

Янгиердаги шифохонанинг юқумли касалликлар бўлими учун мўлжалланган 60 ўринли бино муддатидан тўрт ой илгари қуриб битказилди.

Пойдевори ўтган йили қўйилган бу объект қурилишига 1 миллион 200 минг сўм сарфланиши кўзда тутилганди. «Голодмостепстрой»нинг 110-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари тежамкорликка эришдилар. Иқтисод қилинган маблағ ҳажми 400 минг сўмни ташкил этди. Ҳар бир палатада алоҳида ванна-ювиниш хонаси каби қулайликлар яратилганлиги беморларга манзур бўлмоқда.

Кўчма колоннанинг С. Блиндер, А. Гимазет сингари илғор қурувчилар бригадаси эса 18 квартирали уй-жойни муддатидан олдин фойдаланишга топширишди.

(ЎзТАГ).

●

ЯНГИ МАКТАБ

Оқолтин районидаги Сардоба посёлкаси аҳолиси янги ўқув йили арафасида қурувчилардан ажойиб тухфа қабул қилди.

Бу ерда 624 ўринли янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди. 14-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари томонидан шинам жиҳозланган синфхоналар, ошхона, гимнастика ва мажлислар зали ота-оналар ва ўқувчиларга манзур бўлди. Мактабда дарслар асосан қозоқ тилида олиб борилади.

Б. САТТОРОВ.

●

БОЛАЛАРГА СОВҒА

Куни кеча республика «Билим» жамиятининг мажлислар залида пойтахт Октябрь райони медицина-профилактика бирлашмасига қарашли поликлиника, касалхона ва шифохоналарида ишловчи медицина ходимларининг пазандалик бўйича конкурси ўтказилди.

Бирлашмага қарашли шаҳар 2-юқумли хасталиклар касалхонаси ходимлари қатлама, сомса, торт, нон ва бошқа пиширикқлар тайёрлашда конкурс ғолиби деб топилди.

Район медицина даволаш-профилактика бирлашмаси бош врачи Қ. Ризаев ташаббуси билан конкурсга таклиф этилган, кўп болали оилаларнинг 120 фарзандига меҳр-шафқат фонди ҳисобидан мактаб формаси, китоблар, медицина аптечкалари бепул совға этилди. Сўнг медицина ходимлари тайёрлаган пиширикқларни болалар тамадди қилдилар.

— Медицина ходимларимиз район аҳолиси яшаш шароитини, турмушини, оилавий бюджетини хонадонма-хонадон юриб ўргана бошладилар, — деди Қ. Ризаев. — Биз келажакда янада хайрли ишларни ўтказиш ниятидамиз.

А. ЭРГАШЕВ,
Республика саломатлик маркази матбуот группаси ходими.

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ТИЛИМИЗ МУҲОФАЗАСИНИНГ ГАРОВИ

Ўзбекистон ССРнинг Тиллар тўғрисидаги Қонуни лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига ҳавола қилинганига икки ойдан ошди. Шу вақт ичида қонун лойиҳаси, ўзбек тилига давлат мақомини бериш зарурати, республикада тил вазияти муаммолари тўғрисида кенг, атрофлича фикрлар билдирилди. Бу фикрлар қонун лойиҳасини аҳоли қандай баҳолаётганлиги тўғрисида дастлабки хулосалар чиқариш имконини беради.

Матбуот, радио, телевидениеда, меҳнат коллективларининг йиғилишларида, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига, ЎзССР Олий Совети Президиумига юборилаётган хатларда хилма-хил, баъзан ҳатто бир бирига зид мулоҳаза ва таклифлар айтилаётганини кўрсатиб ўтиш лозим. Муаммо ўта чигал, нозик, республика аҳолисининг барча гуруҳлари манфаатлари билан боғлиқ бўлгани учун лойиҳага турлича муносабат билдирилаётгани, фикрларнинг хилма-хил эканлиги табиий, албатта. Бу таклиф ва мулоҳазалар тил муаммоларини бутун мураккаблиги ва зиддиятлари билан яна бир бор идрок этишга имкон берди. Яқинда эълон қилинган «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» (КПСС платформаси) ҳужжатида миллий муносабатлар, миллий маданиятлар ва тиллар масалалари фақат айрим республикаларда эмас, балки бутун Иттифоқда кескин тус олганлиги ва уларни босиқлик билан ҳал этиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб кўрсатилди.

Ўзбекистон ССР доирасида ўзбек тилига давлат мақомини бериш ғояси республика аҳолисининг барча гуруҳлари томонидан ижобий қабул қилинди. Баъзи шахсларгина бу ғояга қаршилик билдирди. Ўзбек тилига давлат мақомини бериш ғоясига қаршилик билдирган шахслар кам бўлишига қарамай, уларнинг ўз фикрини исботлаш учун келтирган далилларини таҳлил қилиш ва шу йўл билан уларнинг фикрига муносабат билдириб ўтиш фойдадан холи бўлмайди деб ўйлайман. Уларнинг бош далилларидан бири — ўзбек тили давлат тили даражасига ўсиб етмаганлиги ҳақидаги фикр. Республикада яшовчи бошқа миллат вакилларидан кўпчилигининг ва ўзбек зиёлиларидан баъзиларининг ўзбек тилини билмаслиги ёки чала билиши ҳам бу тилга давлат мақомини беришга монелик қилувчи омиллардан бири сифатида кўрсатилади.

Тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида бундай қарашларга қарши асосли, чуқур илмий далилланган мулоҳазалар айтилди.

Аввало шу нарса таъкидландики, тилга давлат мақомини бериш соф лисоний масала эмас. Бошқача қилиб айтганда, давлат мақоми тил тараққиётининг босқичларидан бири эмас. Яъни: тил ўз-ўзича ривожланиб давлат мақомини касб этади дейиш илмий жиҳатдан тамомила нотўғри. **Тилга давлат мақомини бериш — сиёсий амал.** Бу масалани давлат, тўғрироғи давлатнинг олий органи, биз муҳокама қилаётган вазиятда Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳал қилади.

Ўзбек тилининг давлат тили вазифаларини тўла бажармай келаётганлиги, унинг ижтимоий қўлланиши кўламининг кенг эмаслиги ўзбек тилининг давлат тили даражасига ўсиб етмаганлигининг натижаси эмас, балки унинг давлат мақомига эга бўлмаганлигининг натижасидир. Ўзбек тилига давлат мақомини бериш учун унинг ижтимоий вазифалари доирасининг кенгайишини кутиш керак, дейиш сабаб билан натижани алмаштириш, ҳодисалар изчиллигини онгли ёки онгсиз равишда нотўғри талқин қилишдан бошқа нарса эмас. **Ўзбек тили — кўп асрлик тарихга эга бўлган бой тиллардан бири. У Ўзбекистон ССРнинг давлат тили вазифаларини тўла-тўкис бажаришга қодир.**

Республикада яшовчи бошқа миллат вакилларидан кўпчилигининг, ўзбек зиёлиларидан баъзиларининг ўзбек тилини билмаслиги ёки чала билиши республика ҳаётида ўзбек тилининг роли ва обрўсининг пасайиб кетганлиги натижасидир. Бунинг маълум ижтимоий сабаблари бор. Партиявий ҳужжатларда шахсга сиғиниш ва турғунлик йилларида ленинча миллий сиёсат, хусусан ленинча тил сиёсати жиддий бузилишларга учраганлиги ва бу миллий тиллар мавқеига, шу жумладан ўзбек тили мавқеига салбий таъсир кўрсатганлиги ошкора қайд этилган. Муҳокама жараёнида айтилаётган мулоҳазаларга кўра, республика ҳаётида ўзбек тили мавқеининг пасайиши, унинг давлат ва жамоат органлари фаолиятида, йиғилишлар ва расмий ҳужжатларда ишлатилмаслиги орқасида туб ерли аҳоли учун жиддий қийинчиликлар юзага келаётганлиги меҳнаткашларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Тил тўғрисидаги қонун республикадаги мана шу лисоний тарангликни йўқотиш, мавжуд тил вазиятини қайта қуриш, тузатиш ва янгилаш учун хизмат қилмоғи лозим.

Ўзбек тилига давлат мақомини бериш, уни ҳар томонлама ривожлантириш учун шароит яратиш тўғрисида гапирар эканмиз, матбуотда, хусусан «Совет Ўзбекистони» газетасида (1989 йил, 26 август) айтилган яна бир фикрга тўхталиб ўтишни лозим топамиз. Бу — «СССРда ягона тил — рус тили давлат тили бўлиши» ҳақидаги фикр. Бу янги фикр эмас. СССР **халқлари тилларини ри**вожлантиришга алоҳида аҳамият берилаётган, давлат мақоми миллий тилнинг ижтимоий ва маданий вазифаларини кенгайтиришга имкон берадиган чора сифатида қаралаётган бир пайтда масалани бундай қўйиш қайта қуриш ва янгиланиш руҳига зид бўлиб қолмасмикин?

Муҳокама жараёнида айтилаётган мулоҳаза ва таклифлар мавзуи тиллар тўғрисидаги қонун лойиҳасининг ўзи билан чекланаётгани йўқ. Республикада миллий муносабатларни уйғунлаштириш учун тил ўқитиш ва ўрганишни яхшилаш масалалари жамоатчиликни ҳаяжонга солаётганини кўрсатувчи хатлар бор. Ўзбек тилини ўқитиш ва ўрганишни яхшилаш учун дарслик, қўлланма ва луғатлар яратиш билан бир қаторда бу жараённи Ўзбекистон тарихи, адабиёти ва санъати, фан тармоқларини ўрганиш билан боғлаш тавсия қилинади. Республикадаги русча мактабларда ўзбек тили номигагина ўқитиб келинаётганлиги, бу мактабларда Ўзбекистон тарихи, ўзбек адабиёти тарихи каби фанлар ўқитилмаётганлиги таассуф билан қайд этилади.

Ўзбекча машинкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ўзбекча машинистка ва стенографисткалар тайёрлаш, ўзбек тили комплекс программасини яратиш, ўзбек тили жонкуярлари жамиятини тузиш, рус тилини ўрганишни яхшилаш, республикада яшовчи миллий гуруҳларнинг маданий марказларини таъсис этиш каби масалалар бўйича таклиф ва тавсиялар бор.

Қонун лойиҳасининг номи кўпчиликка маъқул бўлмади. Бу номнинг ўринсизлигини исботлаш учун қатор далиллар келтирилди. Ҳозир бу далилларнинг ҳаммасини бирма-бир санаб ўтиришга зарурат йўқ деб ўйлайман. Лекин далиллардан бирини — Ўзбекистон ССР шу республикага ном берган, шу **республиканинг асосий ерли аҳолиси тили тўғрисидаги қонун чиқаришга ваколатли деган бош далилни** кўрсатиб ўтишни лозим топаман.

Лойиҳанинг матбуотда эълон қилинган номини қандай ном билан алмаштириш бўйича қуйидагича таклифлар киритилди: **«Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ЎзССР давлат тили тўғрисидаги қонуни», «ЎзССРнинг тил ҳақидаги қонуни», «ЎзССРнинг ўзбек тилини ривожлантириш ҳақидаги қонуни», «Ўзбек тилига давлат мақомини бериш тўғрисида ЎзССРнинг қонуни», «ЎзССРнинг ўзбек тили ва ёзуви тўғрисидаги қонуни».** Муҳокама тугамасдан бурун бу номлардан қайси бирини танлаб олиш тўғрисида гапириш ноўрин. Лекин **лойиҳанинг матбуотда эълон қилинган номини бошқа ном билан алмаштиришни ҳал бўлган масала** деб ҳисоблаш мумкин деб ўйлайман.

Қонун лойиҳасининг ҳажми, тузилиши, боб ва моддаларга бўлиниши, таъриф-қоидаларнинг матни бўйича жиддий танқидий мулоҳазалар билдирилди. Қатор ўртоқлар 4-, 15-, 38-моддаларнинг мазмуни бошқа моддаларда акс этгани учун уларни матндан чиқариб ташлаш, 5- ва 6-моддаларни, 23-24- ва 25-моддаларни бирлаштириб янги матнда бериш бўйича таклифлар киритдилар. Лойиҳанинг барча моддаларини мана шу нуқтаи назардан синчиклаб ўрганиш ва уни ихчамлаштириш тавсия этилди.

Лойиҳанинг тузилиши бўйича айтилган таклифларнинг бир қисмида мужмал, ноаниқ жумлаларни таҳрир қилиш ва ҳар қайси моддани лўнда, зиддиятсиз, аниқ матнда бериш зарурлиги таъкидланди. **Қонун — ҳуқуқий ҳужжат, унда узундан узоқ тушунтиришлар, ортиқча изоҳ ва қайтариқлар бўлмаслиги лозим.**

Лойиҳанинг муҳокамада энг кўп тилга олинаётган моддаларидан бири унинг биринчи моддасидир. Ўзбек тилининг республика доирасида ҳуқуқий мақомини белгилашга қаратилган бу модда уч бандда берилган. «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ўзбек тилидир» дейилган биринчи банди деярли ҳеч кимда эътироз уйғотмади. Лекин модданинг иккинчи ва учинчи бандлари қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Бу бандларнинг мазмунини аниқлаштириш бўйича хилма-хил таклифлар айтилди, баъзи ўртоқлар бу бандларни бутунлай олиб ташлашни тавсия этдилар. Уларнинг фикрича, бу бандларнинг мазмуни лойиҳанинг бошқа моддаларида ўз аксини топган.

Қорақалпоғистон АССРнинг тил ҳуқуқлари кафолатини таъминлаш учун лойиҳанинг биринчи моддасига қўшимча киритиш тўғрисида таклифлар тушди.

Миллатлараро муомала воситаси бўйича қонунда алоҳида модданинг берилиши кўпчиликда эътироз уйғотмади. Республикамизда яшовчи турли миллат вакилларининг ўзаро мулоқоти ана шундай воситанинг ёки воситаларнинг белгилаб қўйилишини тақозо этади. Бир неча хатда бу модданинг зарурлиги инкор этилганини ҳам кўрсатиб ўтамиз.

Қонунда миллатлараро муомала воситаси бўйича алоҳида модда берилишини маъқуллаган кишилар бу модданинг лойиҳадаги матнига жиддий тузатишлар киритишни таклиф қилдилар.

Миллатлараро муомала воситаси тўғрисидаги модданинг биринчи банди кўпчиликни қониқтирмади. Бу банд ўрнига бир қанча янги таъриф-қоидалар тавсия этилди. Таклифларда энг кўп учраган таъриф-қоидаларни келтирамиз: **Ўзбек тили ЎзССРда миллатлараро муомала тили бўлиши, рус тили СССР доирасида миллатлараро муомала тили бўлиши лозим; ЎзССРда миллатлараро муомала воситаси сифатида ўзбек ва рус тиллари кўрсатилсин; ЎзССРда миллатлараро муомала воситаси эркин танланиши қонунлаштирилсин.**

Бу таъриф-қоидалардан энг мақбули тил тўғрисидаги қонун матнига киритилади. Таъриф-қоидалардан мақбулини танлашда умумхалқ муҳокамасининг натижалари, таклиф ва тавсияларда келтирилган асос ва далиллар инобатга олинади.

Модданинг 2- ва 3-бандларининг мазмуни лойиҳанинг бошқа моддаларида акс этгани учун уларни матндан чиқариб ташлаш таклиф этилди.

Республикада яшовчи бошқа миллат ва элат вакилларининг тиллари тўғрисидаги ҳуқуқий кафолатлар бир моддага жамлаб берилиши мақсадга мувофиқ эканини маъқуллайдиган таклифлар бор.

Лойиҳанинг тил танлаш (II боб), тил қўллаш (III—VI, VIII—IX боблар) масалаларига бағишланган моддалари бўйича ана шундай таклиф ва тавсиялар айтилди. Бу таклиф ва тавсияларнинг кўпчилигида ўзбек тилининг давлат тили сифатида қўлланишини таъминлаш, унинг роль ва обрўсини кўтариш бўйича кафолатлар бериш зарурлиги таъкидланади.

Тил билиш (давлат тилини билиш) тушунчасини таърифлаш зарурлиги, тил тўғрисидаги қонунни жорий этиш учун масъул органларни кўрсатиш, қонунни жорий этиш босқичларини белгилаб қўйиш каби масалалар бўйича аниқ тавсиялар бор.

Муҳокама жараёнида **Ўзбекистон ССР Конституциясига давлат тили тўғрисида алоҳида модда киритиш таклиф этилди.** Бу — жуда тўғри ва ўринли таклиф. Ўзбекистон ССР Конституциясига киритиладиган бу модда ўзбек тилининг республика асосий қонунидаги ҳуқуқий мақомини белгилаб беради.

Иристой ҚЎЧҚОРТОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор, тил муаммолари ишчи группасининг аъзоси.

• Реклама ва эълонлар •

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ
НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

Репертуар плани

2 сентябрда — ИОЛАНТА.
3 сентябрда — ЧИПОЛЛИНО (12.00), КАРМЕН (19.00).
5 сентябрда — МАЙСАРАНИНГ ИШИ.
6 сентябрда — ДУНЁНИНГ ЯРАТИЛИШИ.
7 сентябрда — КНЯЗЬ ИГОРЬ.
8 сентябрда — РАЙМОНДА.
9 сентябрда — СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
10 сентябрда — АЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ (12.00), ТУМАРИС (19.00).
12 сентябрда — АИДА.
13сентябрда — БОҒЧАСАРОЙ ФОНТАНИ.
14 сентябрда — ТОҲИР ВА ЗУҲРА.
15 сентябрда — БИР АКТЛИ БАЛЕТЛАР.
16 сентябрда — МАСХАРАБОЗЛАР.
17 сентябрда — ГЎЗАЛ ВАСИЛИСА (12.00). ДОН КАРЛОС (19.00).
19 сентябрда — ФАУСТ.
20 сентябрда — ДОН КИХОТ.
21 сентябрда — ХИВА ОРДЕНИ.
22 сентябрда — ЧИО-ЧИО-САН.
23 сентябрда — КОНЦЕРТ.
24 сентябрда — ЭТИК КИЙГАН МУШУК (12.00). ГОФМАН ЭРТАКЛАРИ (19.00).
26 сентябрда — ЗЕБУННИСО.
27 сентябрда — ҚУЁШГА ТАЪЗИМ ҚИЛ.
28 сентябрда — ОТЕЛЛО.
29 сентябрда — УЙҚУДАГИ ГЎЗАЛ.
30 сентябрда — ПЕТР БИРИНЧИ.

Билетлар театр кассасида соат 10.00 дан 19.30 гача сотилади. Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача.

СПРАВКАЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР — 33-90-81, 33-33-44.

ДИҚҚАТ!

Йўловчи лифтлари, рўзғор холодильниклари, контейнер бинолар (вагон-ётоқхона), чинни идишлар, Т2К 25—2 (50) товушни қайта эшиттириш аппаратуралари комплектлари;

57 СН—1,5 кучланишли стабилизаторлар, кондиционерлар, рангли телевизорлар ва бошқа камёб ҳамда эҳтиёж катта бўлган бундай маҳсулотларни, шунингдек радиотехника, химия, сопол буюмлар, эҳтиёж қисмлар, электр ўлчов приборлари, ускуналар ва бошқа турли моддий ресурсларни сизлар

7—8 СЕНТЯБРДА
«ТУРИСТ» СПОРТ КОМПЛЕКСИДА

Самарқанд «главснаби» коммерция марказида ўтказиладиган

КИМ ОШДИ САВДО-ЯРМАКАСИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Буюртмалар беришга шошилинг.

Савдога чиқариладиган моллар рўйхатини олдиндан бериб қўйинг. Меҳмонхонадан жой бронлаштиринг.

Мурожаат учун телефонлар — 5-49-34, 5-77-11. 5-34-77.

Адрес: 703000, Самарқанд шаҳри, Оҳунбобоев кўчаси, 85 «а» уй, «Самаркандглавснаб»инінг коммерция маркази.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича қуйидаги лавозимларга
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Профессор: графика;
доцентлар: физика, олий математика, фалсафа ва илмий коммунизм, КПСС тарихи (Ашхобод филиали);
ассистентлар: электр таъминоти ва «тортиш подстанциялари» ихтисоси бўйича микропроцессорли бошқариш, физика (2), «металлар технологияси» ихтисоси бўйича машиналарни конструкциялаш асослари, «назарий механика» ихтисоси бўйича олий математика, сиёсий иқтисод;

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар институт ректори номига қуйидаги адресга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, Л-45, Оборонная кўчаси, 1-уй.

●

АВТОКОРХОНАЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«УЗАВТОРЕМОНТ»
ишлаб чиқариш бирлашмасининг
1-ТОШКЕНТ АВТОРЕМОНТ ЗАВОДИ
700005, Тошкент шаҳри, «8 Март» кўчаси, 57-уй

«ГАЗ-51, 52, 53» ва «ПАЗ-672» автомобилларининг двигателлари ва ўзгарувчан куч узатиш коробкалари (КПП) ни капитал ремонт қилиш, шунингдек юқорида кўрсатилган агрегатларни 1990 йилда ремонт қилиш учун

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

●

Корхона, ташкилот ва муассасалар ДИҚҚАТИГА!
ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАВЛАТ КООПЕРАТИВ АГРОСАНОАТ БИРЛАШМАСИ
«ТАШГОРАГРОПРОМ»
ташкил қилиниши муносабати билан ихтисослаштирилган «ТАШПЛОДООВОЩПРОМ» саноат ишлаб чиқариш бирлашмаси
ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади.

Адрес: 700064, Тошкент шаҳри, 64-алоқа бўлими, Б. Хмельницкий кўчаси, 22 «а» уй. Телефон — 55-09-23.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 31/VIII да **Фауст** (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/IX **Ҳамзанома** (19.30).

●

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Москва цирки артистларининг гастроллари** (19.30).

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги коллегияси ва Андижон область музикали драма ва комедия театри коллективи театрнинг кекса артистларидан бири, Ўзбекистон ССР халқ артисти

Ҳадича АМИНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳуманинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Уруш ва Меҳнат ветеранларининг республика, Тошкент области ва Тошкент шаҳар Советлари партия, уруш ва меҳнат ветерани, республика ревизия комиссияси раисининг ўринбосари

Раҳим Мажидович ҚОРИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг республика халқ бадиий ҳунармандчилиги саноат-савдо бирлашмаси, партия комитети ва жамоат ташкилотлари бирлашма юристи

Озод Соаталиевич МАҚСУДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тинчликни ҳимоя қилиш Ўзбекистон республика комитети ва Совет Тинчлик фондининг Ўзбекистон бўлими коллективи Тинчликни ҳимоя қилиш Самарқанд область комитети ва Совет Тинчлик фонди область бўлими раисининг ўринбосари

Шукур Қуралович НУРБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«КИТОБДАН ҲАМ ЯХШИРОҚ ДЎСТ ЙЎҚ»

Ана шу сатрлар Китобсеварлар жамиятининг 30 август куни Тошкентда бўлиб ўтган тўртинчи республика съездининг ўзига хос шиори бўлди. Съездда ўтган беш йилликда қилинган ишларнинг натижалари, китоб тарғиботи ишидаги энг долзарб масалалар муҳокама қилинди. Республика китобхонлар жамиятининг раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари О. Ёқубов доклад қилди.

Съезд қатнашчиларининг нутқларида китобхонлар жамияти бошланғич ташкилотлари тармоқлари кенгайганлигидан далолат берувчи мисоллар келтирилди. Масалан, Урганч район ташкилоти қишлоқ жойларда китобларни тарғиб қилиш юзасидан тадбирларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Китобхонлар ўз шахсий кутубхоналаридан тақдим этган китоблар туфайли бу ерда Тупроққалъа массивидаги олис чорвачилик совхозлари чўпонлари учун «Чўлқувар» деб аталган жамоатчилик кутубхонаси ташкил этилди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Республика китобхонлар жамияти ўтган беш йилликда олиб борган ишлар қуйидаги рақамларда ҳам кўринади: маданият ва фан арбоблари, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалик илғорлари билан 37 мингта китобхонлар конференциялари ҳамда ижодий учрашувлар ўтказилди, ана шу конференциялар ва учрашувларда 69 минг киши сўзга чиқди, 17 минг расмли китоб кўргазмалари ташкил этилди.

Шу билан бирга касб-корга ва ишлаб чиқаришга оид адабиётларни тарқатиш ҳамда тарғиб қилиш иши яхши ташкил этилмаганлиги съездда айтиб ўтилди. Ёшлар ўртасида китоб ўқишга қизиқишнинг пасайиб кетиши айниқса ҳавотирлидир, чунки бу нарса маънавий қашшоқликка олиб келади.

Ташкилотларни сон жиҳатидан кўпайтиришга ҳаракат қилиш жамият ишини қайта қуришга халақит бераётганлиги таъкидланди. Иш сифатига яхши аҳамият берилмаяпти, молиявий кўрсаткичларнинг яхшилигига орқа қилиб, бошқа ишлар унутиб юборилляпти. Жамият фаолиятида иш юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари, бюрократизм, рақамлар ва ғалаба рапортлари кетидан қувиш кўпинча устун чиқмоқда.

Съезд делегатларининг нутқларида район, область ва шаҳар китобхонлар жамиятлари олиб бораётган ишлар сифатида кескин тафовут борлиги, бошланғич ташкилотлар фаолияти кўпинча аъзолик бадалларини йиғиш билангина чекланиб қолаётганлиги тўғрисида гапирилди. Кўпгина ташкилотлар умуман юқоридан қўллаб-қувватлаш ҳисобигагина кун кечиришмоқда. Сўзга чиққан кишилар жамиятнинг бутун фаолиятини қайта қуриш муҳимлигини таъкидладилар. Ҳамма ишлар янги жамоат ташкилотлари — Маданият фонди, Болалар фонди, Меҳр-мурувват фонди билан қалин ҳамкорлик асосида олиб борилиши лозим. Бу ташкилотлар қисқа вақт ичида одамларга керакли, аниқ-равшан ишлари билан обрў қозондилар. Нотиқлар республика китобхонлар жамияти ўзининг яшаш ҳуқуқини бошқа жамоат тузилмалари билан мусобақалашиш муҳитида исботлайдиган давр келганлигини таъкидладилар.

Съезд делегатларининг таклифига биноан республика Китобсеварлар жамиятининг номи ўзгартирилиб, республика «Китобхон» жамияти деб аталадиган бўлди.

Съездда республика жамияти правлениеси ва ревизия комиссиясининг янги состави сайланди.

Съезд ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳамидов қатнашди.

* * *

Республика «Китобхон» жамияти правлениесининг ташкилий пленуми бўлди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ҳамид Ғулом жамият правлениесининг раиси этиб сайланди.

(ЎзТАГ).

ДЕЛОВЫЕ БУМАГИ

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

ЎШ ОБЛАСТИ. Лайлак районидаги Партия XXIV съезди номли ўрта мактабда мамлакатимиз халқлари тилларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда ўзбек, рус, қирғиз, тожик болалари таълим оладилар. Мактабнинг педагогик коллективи ҳам турли миллат кишиларидан иборат. Бироқ ўқишлар ўзбек тилида олиб борилади.

Мазкур мактаб Андижон областига жуда яқин масофада жойлашган. Шу туфайли бу ерда истиқомат қилувчи кишилар асосан ўзбек тилида сўзлашадилар. Бундан ташқари дарслар қирғиз ва рус тилида олиб бориладиган мактаблар ҳам мавжуд. Қишлоқда яшовчи ҳар бир оила ўз фарзандини хоҳлаган мактабига бериши мумкин.

Суратда: Янги ўқув йили олдидан Жангдор қишлоқ Советининг раисаси Фарида Баетова мактабга ташриф буюрди. У қишлоқда қандай ободончилик ишлари олиб борилаётганлиги тўғрисида ўқувчиларга ҳикоя қилиб бермоқда.

Б. ЮСУПОВ сурати
(ЎзТАГ).

Муҳаррир
Ў. УСМОНОВ.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04309. Б. — 200. ИНДЕКС 64563. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12